



## Кун нафаси

Президентнинг «Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

\*\*\*

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Эроннинг қатор ҳудудларида юз берган кучли сув тошқинлари оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар етказилгани муносабати билан Президент Иброҳим Раисийга ҳамдардлик билдирди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Швейцария Конфедерацияси Президенти Иньяцио Кассисга миллий байрам – Швейцария Конфедерацияси ташкил топган кун муносабати билан табрик йўллади.

\*\*\*

Давлатимиз раҳбари «Спорт курашларининг Олимпия турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига имзо чеқди.

\*\*\*

Президентимиз «Тазквондо (WT) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзо қилди.

\*\*\*

2022 йил 1 августда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири в.б. Владимир Норов ЕХҲТнинг миллий озчиликлар бўйича олий комиссари Қайрат Абдурахмоновни қабул қилди.

\*\*\*



Дақка шаҳрида Ўзбекистон бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев Бангладеш ташқи ишлар вазири Абдул Қалам Абдул Момен билан учрашди.

\*\*\*



Жорий йилнинг 23-31 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари – Маҳаллабай ишлар ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори Мирзохид Убайдуллаев бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Японияда бўлди.

\*\*\*



«Осиё болалари – келажак қуввати» широи остида ўтаётган «Владивосток – 2022» ўйинларининг 1 август кунги мусобақалари якунига кўра, эркин курашчи қизларимиз умумжамоада 1-ўринни, баскетболчи қизларимиз чемпионликни қўлга киритдилар.

\*\*\*

Ўзбекистонда 1 августдан бошлаб Twitter, WeChat ва «ВКонтакте» ижтимоий тармоғига қўйилган тўсиқ олиб ташланмоқда. Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълум қилди.

\*\*\*

Жиззах вилояти ҳокимлигида Болалар масалалари бўйича вилоят ҳудудий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

\*\*\*

Тошкент шаҳридаги Касб-хунарға ўқитиш марказида 27 июль кунги малака тизими ва миллий стандартлар ишчи гуруҳининг 2-босқич йиғилиши бўлиб ўтди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳрида анъанавий XXV «Қовун сайли» байрами ташкил этилди.

\*\*\*

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Келгуси беш йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари экспортини 1 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Агар ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйсақ, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласак, бу маррага бемалол эришамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Фарғона вилояти

## Касаба уюшма аралашгач...

# ЛОГОПЕДНИНГ ОЙЛИГИ қанча бўлиши керак эди?

Фарғона вилояти руҳий-асаб касалликлари шифохонасида логопед вазифасида ишлаб келаётган Люсик Исакова маоши нотўғри ҳисобланиши оқибатида ойлик иш ҳақи бир неча ойдан буён кам чиқаётганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашидан ҳуқуқий кўмак сўради.

Ушбу муносабатни Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ўрганишди.

Маълум бўлишича, Фарғона вилояти руҳий-асаб касалликлари шифохонаси бош шифокори К.Каримовнинг 01.04.2020 йилдаги №23к-сонли буйруғи билан Люсик Исакова 2020 йил 1 апрелдан бир ставка логопед ва-

зифасига асосий ходим сифатида ўтказилган. Шу буйруққа асосан Л.Исакова бир штат логопед ходими учун белгиланган иш вақти нормасида ўз вазифасини бажариб келган ва унга 2022 йилнинг январь ойигача иш берувчи томонидан бир штат бирлигига тенглаштирилган иш ҳақи тўланган. Бироқ...

2022 йилнинг январ ойидан бошлаб ҳеч қандай асосиз ходимларнинг иш ҳақи табеида Л.Исакованинг иш ҳажми 0,5

штат бирлигига ўзгартирилиб, унга 2022 йил январь, февраль ойларига ярим штат бирлигига тенглаштирилган иш ҳақи тўланади.

Мазкур ҳолат бўйича касаба уюшма инспекторлари мурожаатчи Люсик Исакованинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва жорий йилнинг январидан бошлаб нотўғри ҳисоблаб тўланган ойлик иш ҳақларини қайта ҳисоб-китоб қилиб бериш бўйича Фарғона вилояти руҳий-асаб касалликлари шифохонасига ёзма кўрсатма киритди.

Унда қайд этилганидек, Л.Исакованинг ҳуқуқлари бузилиши иш берувчи Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори талабларини тўлиқ тушуниб етмагани оқибатида келиб чиққан.

Ваҳоланки, ушбу қарорнинг 4-иловасида логопед ходимларнинг бир ҳафталик иш соати 18 соат этиб белгиланган. Иш берувчи эса ушбу қарор талабларига амал қилмасдан ходимдан ҳафтасига 36 соат ишлашни талаб қилган.

Аммо кўрсатма талаблари бажарилмади. Иш судгача борди. Суднинг ҳал қилув қарори билан Л.Исакованинг иш ҳақлари белгиланган тартибда тўланишига эришилди. Шунингдек, унинг фойдасига 1 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ҳам ундирилди.

Зафаржон ҚУРБОНОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

## Абитуриентлар диққатига!

# МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги мутахассис-кадрларни тайёрлаш учун

## 2022-2023 ўқув йилига

### талабалар қабулини эълон қилади:

1. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
  2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (Тест саволлари: математика, физика);
  3. Инсон ресурсларини бошқариш (Тест саволлари: математика, чет тили);
  4. Ижтимоий иш (турли соҳаларда) (Тест саволлари: математика, чет тили);
  5. Психология (фаолият турлари бўйича) (Тест саволлари: биология, она тили ва адабиёт);
  6. Менежмент (Тест саволлари: математика, чет тили);
  7. Юриспруденция (Тест саволлари: тарих, чет тили).
- Таълим тури ва даври: кундузги, 4 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги ПҚ-5227-сонли қарори асосида ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиб, унда таълим ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилди.

Муассаса электрон кутубхона, физика ва кимё фанлари бўйича лабораториялар, спорт комплекси, ётоқхона, ошхонага эга. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилди. Ўқув жараёнига автоматлаштирилган «платформа» мажмуаси жорий этилган.

Талабалар ўқув биносида Wi-Fi (бепул интернет)дан фойдаланиши мумкин. Асосий машғулот-

лардан сўнг фанлар бўйича мустақил шуғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

**Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Паспорт фото нусхаси;
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича диплом ёки шаходатнома (11-синфни битирганлиги тўғрисидаги) фото нусхаси;
3. Абитуриент сурати (3x4, 300 dpi шаклда).

**Ҳужжатлар 2022 йил 20 июндан 20 августгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишер-обод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй.

Шунингдек, абитуриентлар – <https://atso.mdg>.

uz электрон манзили бўйича рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 71-265-01-64, 71-265-01-54.

**Қабул комиссиясининг иш вақти:** Душанбадан жумагача соат 9:00 дан 18:00 гача.

**Азиз ёшлар!** Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз билим ва малакангиз билан муносиб ҳисса қўшмоқчимисиз? У ҳолда биз сиз учун бу шариотни яратиб берамиз.

**МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ**

Брифинг



# Умумхалқ муҳокамаси якунига етди

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БЕРИЛГАН ТАКЛИФЛАР БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ҚҮРИБ ЧИҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори билан жорий йилнинг 1 августига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги умумлаштирилган ахбороти юзасидан маълумот берилди.

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Широқовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси юзасидан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида кенг қўламли муҳокамалар бўлиб ўтди ва уларда фуқароларга ўз хоҳиш-иродаларини эмин-эрчак билдириши учун барча имкониятлар яратилди.

Муҳокама даврида вазилик, идора ва ташкилотларда, республиканинг барча туман ҳамда шаҳарларида, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбир ташкил этилди. Махсус лавҳалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар уюштирилди, мақолалар чоп этилди ва тақлифлар баён этилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокамаларда ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ватанмиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилгандан сўнг ҳозирга қадар 150 мингдан ортиқ тақлиф келиб тушганидан ҳам билиш мумкин.

Мамлакатимизда кечаётган Конституциявий ислоҳотлар жараёнига хориждаги ватандошларимиз ҳам бефарқ бўлмади. Жумладан, Қозоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатлардаги ватандошларимиздан юзлаб тақлифлар келиб тушди.

Брифингда Конституциявий қонун лойиҳаси бугунги кунда 6 турдаги экспертизадан ўтказилгани, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан еттакчи олимлар, профессорлар, академиклар иштирокида жамоатчилик маслаҳатлашуви ўтказилиб, унда ҳам лойиҳада сўз ва ибораларни тўғри қўллаш юзасидан қатор тақлифлар берилгани қайд этилди.

Эндиликда қўмиталарнинг қўшма йиғилиши, сиёсий партиялар фракцияларида муҳокамалар ўтказилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси кун тартибига олиб чиқилади. Қонун лойиҳаси матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилади ва халқ вакиллари фикрлари инobatта олинган ҳолда Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилади.

Брифингда жорий йилнинг 1 август кунини умумхалқ муҳокамаси учун ажратилган вақт тугагани айтилди. Шунга кўра, «Meningkonstitutsiyam.uz» платформаси ва 1341 колл-маркази орқали тақлифларни қабул қилиш тўхтатилади. Бироқ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида лойиҳага берилган тақлифлар белгиланган тартибда қўриб чиқиши таъминланади.

Зебо НАМЗООВА,  
«ISHONCH»



**Самарқанд вилояти**

«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...



# УЛАР ЭНДИ ТАДБИРКОРЛАР САФИДА

**Жомбойлик Сайёра Ашуровага бирор касбнинг этагини тутмагани болалари улғайиб, рўзгор саватчасини тўлдириш машаққати ошган паллада, айниқас, сезилди. Шу боис ўша кезлар маҳаллама-маҳалла аёллар муаммоларини ўрганиб юрган ишчи гуруҳга кўнглидагиларини айтди.**

– Ёшлигимиздан оиладаги чорва молларини парваришда фаол қатнашганмиз, – дейди Сайёра. – Бу тирикчилик орқали ҳар қандай рўзгорни обод қилса бўлади. Шунинг учун ҳам имтиёзли кредит олишга ёрдам беришларини сўрадим.

Буни қарангки, «Аёллар дафтари»га киритилган бу аёлнинг истаклари тезда ушалди. – Ишчи гуруҳ хулосаси билан ажратилган 30 миллион сўм маблағга 20 бош қўй-қўзи олдик. Меҳнатимиз натижасини ҳозирданок ҳис қиялпмиз. Қўзичоқларнинг ўзи 30 миллион даромад келтириши аниқ. Аммо биз улар сонини янада кўпайтирмоқчимиз.

Туманнинг «Самарқанд» маҳалласида яшовчи Зилола Солиева эса имтиёзли кредит эвазига паррандачилик хўжалигини ташкил этди. Оиланинг уч нафар аъзоси бевосита ана шу юмуш билан банд.

– Касбим тикувчи, – дейди «Журият» маҳалласида яшовчи Фарида Жоникулова. – Мустиқил иш бошлашга оилавий шароитимиз монелик қилгани боис хунаримдан фойдалана олмай келаётгандим. «Аёллар дафтари» орқали имтиёзли кредит маблағи олдим.

Фарида давлатимиз кўмағида ўзининг кичик цехига асос солди. Ҳозир қишлоқдаги тикувчилик касбига ҳавасманд бўлган 6 нафар аёлга бичиш-тириш сирларини ўргатапти.

Айтиш лозимки, Жомбойда «Аёллар дафтари»нинг навбатдаги босқичига киритилган 3276 нафар хотин-қиздан 2208 нафарининг муаммолари аллақачон ҳал этилган.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

**Фарғона вилояти**

**Аброржон Юлдашев изланувчан киши. Бўш вақт топди дегунча йўқдан бор қилишга уринади. Эшитиб ёқа ушлайсан киши: унинг биринчи иши ҳали «ақлли» телевизорлар ҳаётимизга кириб келмасиданок, эски «зангори экран»ларни ҳеч қандай тугмаларни босмасдан туриб, ўзи ёниб, ўзи ўчадиган қилишдан бошланган.**

У 2020 йили пандемия бошланган пайтда бекор ўтирмадан уй шароитида минитрактор ясашга киришди. Дастлаб тракторнинг рамаси ясалди, сўнгра унга турли автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ўрнатилди.

Аброржон энг шимариб бу ишга киришганида таниган-билганлар «Нима қиласан, ақлинг етмаган ишни бошлаб, трактор ясаб осон ишни? Бунақа техникалар катта-катта заводларда ясалади», дейишди ҳам. Аброржон бундай гапларга парво қилмади, бошлаган ишини давом эттириверди.

– Пандемия бошланган пайтда уйда ўтириб, роса зерикдим, – дейди Аброржон Юлдашев. – Кўчага чиқиш йўқ. Уйда темир-терсақдан кўпи борми дея, қўлимга асбоб-ускуналарни олиб трактор ясашга киришдим. Керакли эҳтиёт қисмларни эски бозордан, таниш-билишлардан олиб келдим. Тракторга «Тико» машинасининг моторини ўрнатдим, «Дамас»нинг қоробкасини қўйдим. Бошлаган ишим охирига етгунча 20 та турли хил русумдаги автомобилнинг эҳтиёт қисмларидан фойдаландим. Тракторга



Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

# Аброржон аканинг минитрактори

**Фурқат туманининг «Чиркай» маҳалласида яшовчи Аброржон Юлдашев ўзи ясаган тракторда халққа хизмат қилмоқда**

мослаб прицеп ҳам ясадим. Аброржон ака ясаган трактор соатига 70 км. тезликка юради. Унинг қуввати 70 от кучига тенг. Тракторда бемалол ер ҳайдаш, юк ташини, беда, шולי, маккажўхори, гўзапоя ўриш, қўйингки, қишлоқ хўжалигида нима иш бўлса, бажариш мумкин. Иختиро муаллифининг таъкидлашича, трактор моторининг суви ҳарорати 90 даражага етса, автоматик равишда совитиш тизими ишга тушади. Трактор кўпчиликда қизиқиш уйғотгани боис, 8 минг АҚШ доллар эвазига харидорлар ҳам чиқмоқда. – Узим

ясаган тракторда одамларнинг ерини ҳайдаб, юкини ташиб, аллақачон даромад топишни ҳам бошлаб юбордим, – дейди Аброржон Юлдашев. – Трактор ихчамлиги учун тор жойларга ҳам бемалол кириб кетаверади. Ҳозир қўни-қўшниларнинг қовун-тарвузини ташиялган Хуллас, тракторим менга яхшигина даромад олиб келмоқда. Асосийси, одамларга фойдам тегаётганидан хурсандман.

Айни пайтда ихтирочи яна изланишда. Биз Аброржон аканинг ишларига муваффақият тилаб қоламиз.

**Андижон вилояти**

**Мамазулун Кенжабоевнинг асл касби ўқитувчи бўлгани учун бу соҳанинг машаққати-ю шарафини бошидан ўтказган инсон сифатида ҳамкасбларининг муаммоларини яхши тушунади. Шу боис бўлса керак, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Избоскан тумани кенгаши расиси лавозимида ишлаган пайтлари ҳамisha устоз-муаллимларга яхши-ёмон кунларида сўянч бўлишга интилади. Баъзида унинг устидан ёз-ёзларни текширгани келганлар «мавжуд маълумотлар иш яхши йўлга қўйилганини кўрсатапти», дея фаолиятини республика миқёсида ўрганиш мумкинлигини эътироф этишган.**

# Ёшартирадиган ҳам, яшнатадиган ҳам меҳнат

**ёхуд фаол касбақўм пенсияга чиққач, миришкор томорқачига айлангани ҳақида**



рамай, ғайрати йигитларни кидек. Қадамлари шаҳдам ва қатъий. Бир қарашда шу ёшга кирганига биров ишонмайди. Бу шаҳдамликда турмуш ўртоғи Маҳпиратхон опанинг ҳиссаси ҳам бор, албатта. Чунки ҳаёт сўқмоқларининг паст-баланд йўлларида аёлингиз сизни тушуниб, далда бўлганига нима етсин!

Айни кунларда ғайрати жўшган Мамазулун отанинг томорқасида иш қизғин. 5 сотидан иборат иссиқхонада лимон, апельсинлар баравж ўсяпти. Помидор, бодринг, булғор қалампир, қалампир ва ширин маккажўхори ҳосили ҳавас қилгулик. Токнинг турфа навлари кўзни қувнатади. Қўрадаги 4-5 бош қўйга қараш ҳам Мамазулун ота зиммасида.

Набиралари Ҳасанбой, Хусанбой ва Муҳаммадқодир бобонинг қанотлари. Қўллари бўшади дегунча, томорқачида ишлашади. Навқирон йигитлар меҳнатга қайишиб, чиникиб улғайишяпти. Дарҳақиқат, донишмандлардан бири «Кексалик ёшларга тўғаноқ эмас – сўянчик, рақиб эмас – муаллим, бефарқ эмас – ҳамдард бўлиш демокдир», деганида нақадар ҳақлигини англайсиз.

Тиниб-тинчимас Мамазулун ака ўтган йил суғориш қийин бўлган адирликда бир-икки гектар ерга гулкарам ва тарвуз экиб, дурустгина даромад қилди. Энди давомини сўрасангиз, бу юмушларнинг барини бобонинг ўзи уддалайди.

– Ёши етмишдан ошган тенгдошларимга маслаҳатим, ишлаш ва яна ишлаш керак, – дейди Мамазулун ота. – Чунки кексалигининг сезирмайдиган, ёшартирадиган ҳам, яшнатадиган ҳам меҳнат. Тўғриси, отага ҳавас қилдик, ҳаммага ҳам шундай кексалик насиб этишини тиладик. Зеро, эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал ҳар биримизнинг ҳаётий ғоямиз бўлсин.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

Пенсия ёшига етгач, касба уюшма фаоли Акбаржон Аҳмадалиев номзодини ўз ўрнига лойиқ кўрди. Адашмаган экан, Акбаржон унинг эзгу ишларига муносиб давомчи бўлди. Собиқ касба уюшма расиси улуг ёшга кирганига қасаб уюшмага асаб касалликлари диспансерида ишлайман. Шу пайтга қадар тўртинчи разрядда иш ҳақи олиб келардим. Муқим иш ўрнига эгаман, деб бориға шукур қилардим. Очиғи, аслида иш ҳақим қанча бўлиши кераклиги билан қизиқиб кўрмагандим.

**Хоразм вилояти**

**Мен Хоразм вилояти руҳий-асаб касалликлари диспансерида ишлайман. Шу пайтга қадар тўртинчи разрядда иш ҳақи олиб келардим. Муқим иш ўрнига эгаман, деб бориға шукур қилардим. Очиғи, аслида иш ҳақим қанча бўлиши кераклиги билан қизиқиб кўрмагандим.**

# КАСАБА УЮШМАГА АЪЗОЛИГИМ САБАБ МАОШИМ ОШДИ

Аммо қўнда муассасамизда Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Халилullo Исоқжонов ва меҳнат ҳуқуқ инспектори Расулбек Аллабергановлар кенгаши ижроия қўмитасининг тегишли қарори асосида меҳнат қонунчилиги риюа этилиши ҳамда Тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари бандлари бажарилиши юзасидан ўрганиш давомида менга ЯТС бўйича тўртинчи разряддан лавозим маоши тўлаб келингани нотўғри деб топилди.

Амалдаги қонун талабларига кўра, олий маълумотли муҳанми миллион етти юз қирқ олти минг икки юз тўқсон икки сўм кам ҳисобланиб келинган ойлик маошларни тўлаб берилди. Бундан буён еттинчи разрядда иш ҳақи олялман. Бунинг учун тармоқ касба уюшмаларидан миннатдорман. Касба уюшмалари мен каби қанча инсонларнинг муаммоларини ҳал этиб, ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Мен касба уюшма аъзоси эканимдан хурсандман.



Нуррадин НУРАЗИЗОВ, Хоразм вилояти руҳий асаб касалликлари диспансери ходими



# «Биз мажбурий меҳнатга қаршимиз»

корхоналар раҳбарлари қатнашдилар. Ўқув машғулотларининг давоми Бухоро вилоятига кўчди. Бу ерда «Мажбурий меҳнатга қаршимиз!» шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Очиқлик, ошкоралик руҳида ўтган давра суҳбатида мажбурий меҳнат, одам савдоси каби меҳнат ҳуқуқи бузиладиган ҳолатларнинг олдини олиш борасида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА, «ISHONCH»





Фарғона вилояти

Оғриқ тишлар

Ўзбекистон туманидаги «Шўрсув» маҳалласида яшовчилар кейинги пайтларда чанг деган сўзни эшитсалар, беихтиёр бир чўчиб тушадиган бўлиб қолган. Чунки улар чанг деганда ердан кўтарилган гард-ғуборни эмас, бутун шаҳарчани қоплаб, даракларда тўғнаб қолган, умуман, теварак-атрофдаги ҳамма нарсани оқ рангга бурканган ноорганик моддани, аниқроғи, минерал чангни назарда туттилади. Аслида у Шўрсувнинг шундоққина рўпарасида, ярим чақирим нарида жойлашган, асосан гипс, цемент, ғишт каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган 37 та корхона чиқиндиларидир. Бир жойнинг ўзида шунча корхона жойлашгани ҳудудда бинокорлик ашёлари ишлаб чиқариш учун керакли оқактош, аччиқтош, олтингургут ва қолчедан, яъни таркиби темир, мис ва бошқа элементлар аралашмасидан иборат минерал мавжудлиги билан изоҳланади.

Тўғри, газ-чангни тутиб қоладиган қурилма ўрнатилган ишлаб чиқариш цехларининг теварак-атрофни ифлослантиришга кўшаётган ҳиссаси минимал даражага туширилди, қолганлари эса чиқиндиларни атмосферга чиқаришда давом этмоқда.

Шўрсувга кирверишда – йўлнинг ўнг тарафдаги адир бағрида қад ростлаган бир неча баланд трубадан чиқаётган тутунни кўрган ҳар қандай одамнинг таъби тирриқ бўлади. Ишидан маҳрум бўлишни истамагани сабабли исм-шарифини айтмаган тиббиёт ходими шундай дейди:

– Яқинда ўтказилган тиббий кўрик шўрсувликлар орасида астма, аллергия, чунончи, аллергия конъюнктивит кўпайганини, тери тошмалари кузатилаётганини кўрсатди. Тоза сув йўқ, қўлларимизни ариқда ювиб, «укол» қиламиз. Шу ҳам тиббиёт бўлдими?! Илгари ён-атрофимиздаги тоғларда гиёҳлар ўсарди, мол-қўйларимизни адирларда боқардик. Бугун қир-адирлар тақир, Шўрсувсой эса ариққа айланган. Буларнинг барчаси экология ёмонлашгани оқибати, албатта. Яқинда шу ердаги корхоналардан бирида пайвандчи бўлиб ишлаган Рафиқжон Маликов ҳам қандли диабетга мубтало бўлди. Эндиғина 51 ёшга кирган бу тажрибали мутахассис жиддий дард туфайли

# ЭЛ ДАРДИГА АЙЛАНГАН ГАРД

## шўрсувликларни ташвишлантираётган жиддий муаммага мутасаддилар ҳамон бефарқ



меҳнатга лаёқатини йўқотди. «Шамол кўтарилганда, ҳамма уйга қараб қочади. Эрталаб уйқудан турганимизда, ётган жойимиз оппоқ бўлганини кўрамиз, чунки корхоналар айнан кечаси чиқиндиларни ҳавога ташлаб юборишди», дейди у.

Гарчи маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбат чоғи Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ер-сув бўлими бошлиғи Нодирбек Турдиматов экологиянинг қандли диабетга ҳеч қандай дахли йўқлигини айтган бўлса-да, бу хасталикни бошқа қатор омиллар сингари экологиянинг ёмонлиги ва стресс ҳам келтириб чиқаради. Одам яшаётган жой обод бўлмаса, боз устига, экологик ҳолати бузилса, у руҳий зарбага учраши тайин.

– Авваллари маҳалламизда учта давлат боғчаси, ҳатто санаторий ҳам бўлган, – афсус билан эслайди маҳаллий аёллардан бири. – Ҳозир санаторий йўқ. 35 ўринли битта хусусий боғча бор, уй боғчасига эса 10 нафар бола қатнайди, холос.

Маҳалла гузаридида жойлашган «Зиё» китоб дўкони олдида кексалар билан гурунглашиб ўтирган 86 ёшли отахон Кимсанбой Йўлдошев куяниб шундай дейди.

– 1959 йили бу ерга кўчиб келганимизда, Шўрсув жаннат эди. Энди-чи?.. Биз-ку майли, ёшлар-чи?.. Ростини айтсам, улар бизнинг ёшимизга етишига ҳам кўзим етмайди. Устига-устак, маҳалламизда сув йўқ, Илгарилари Каримдевоновада учта сув насоси бўлиб, Шўрсувни обихаёт билан таъминлаб турарди. Улар ишдан чиқдими ёки бошқа сабабданми, ҳозир бизга сув келмай қўйган. Шунинг учун ҳар бир оила бир тонна сувни 35-40 минг сўмга сотиб олишга мажбур. Уни махсус машинада олиб келиб, ҳовлиларимиздаги цистерналарга қуйиб кетяшди.

Шўрсувликлар дардини эшитиб, нахотки, уларнинг муаммоларини ҳал этадиган раҳбарлар топилмаса, деган ўйга борасан. Аслида экология билан боғлиқ бундай муаммолар ҳақида, энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғини раиси бонг уриши лозим эмасми? Жума иш кунни бўлишига қарамай, йиғин идораси берк эди. Шу пайт идорага келиб қолган

ёшлар етакчиси Насилхон Маъруфов «Шўрсувлик ёшларнинг қандай муаммолари бор?» деган саволга «Битта муаммомиз бор – у ҳам бўлса, чанг!» деб лўнда жавоб берди.

Агар маҳаллада вазият яхши томонга ўзгармаса, кўпчилик ёшлар уни тарк этиши аниқ. – Қишлоқдан келиб, шу ерда уй қурганман, – дейди пенсионер Тўхтасин Аҳмедов. – Ҳар сафар яқинларимни кўргани борсам, улар мендан: «Ҳалиям чанг ютиб юрибсизларми?» деб сўрашади. Корхоналар филтритри қурилма ўрнатмагандан кейин чанг ютамиз-да!

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотларига кўра, Шўрсувдаги муҳитнинг ифлосланиш даражаси таҳлилнинг тўртта банди бўйича 1,2-23,6 марта, иккита банд бўйича 3,2-4,6 марта ортқ экан. Бу кўмитанинг кўчма экологик лабораторияси томонидан маҳаллада олинган ҳаво намуналарини текшириш орқали аниқланди. Текширувни кўмита мутахассислари 12 та корхона, жумладан, «Цемент хом ашёси савдоси», «Водий гипс», «Евро глобал гипс», «Голд Гипс Кард» каби МЧЖларда ўтказишди. Қизиғи шундаки, уларнинг ҳаммасида газ-чангни тутиб қоладиган қурилма ўрнатилган, шунга қарамай, кўрсаткичлар меъёридагидан ортқ.

«Олмос гипс», «Имкон гипс» МЧЖ, «Файз гипс» АЖда эса бундай қурилмалар умуман йўқ, «Евро Глобал гипс», «Голд гипс кард» МЧЖларда бор, лекин талабларга жавоб бермайдими.

Текширув якунларига кўра, юқорида қайд этилган корхоналар фаолияти тўхтатилиб, атроф-муҳитнинг гипс чанги ва гипс тоши чиқиндилари билан ифлослантиргани учун жарима солинди, раҳбарларига эса амалдаги қонунлар талабларини бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди. Аммо топшириқлар белгиланган муддатда адо этилмагани боис туманлараро иқтисодий судга уларнинг фаолиятини тўхтатиш хусусида мурожаат қилиниб, зарур ҳужжатлар тақдим этилди.

– Текшириш ўтказилган корхоналарда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун жами 155 миллион 122 минг сўм миқдорда кўшимча компенсация тўловлари ҳисобланди, – дейди

вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекция бошлиғи Анваржон Ашуров. – Ўрганишлар жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун судга юборилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: газ-чанг тутиш қурилмаси бўлмаган заводни ишга туширишга ким рухсат берди? Шўрсувда бирин-кетин экологияга зарар келтириши эҳтимоли бор корхоналар очилганда экологлар, қолаверса, тиббиёт ходимлари қаерда эдилар? Маҳаллий аҳоли экология ёмонлигидан норози, атроф-муҳитни ифлослантираётган корхоналарда ишлаётганлар нима қилсин? Уларнинг иш шароити, индивидуал химоя воситалари, қолаверса, махсус кийим билан таъминланган-таъминланмагани кимни қизиқтирган? Зарарли меҳнат шароитларида ишлаётганлар учун сут ёки шарбат берилмагани-йўқми? Бу каби масалалар билан кимлар шугулланган?


Бизга ҳамроҳ бўлган Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси вакиллари корхоналар хусусий бўлгани учун уларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш ҳудудига кириш учун ҳеч кимга рухсат беришмаётганини айтишди. Балки улар журналистларни корхонага етаклаб боришни истамагани сабабли шундай дейишгандир.

Маълумки, ҳар қандай бизнесга фойда олиш мақсадида қўл урилади. Лекин фойда ортидан қувиб, аҳоли саломатлигига зарар етказиш, атроф-муҳитни булғаш адолатдан эмас. Қолаверса, бунинг жавобгарлиги ҳам бор. Мамлакатимизга инвестиция сувдек зарур, чунки у янги корхона, янги иш ўринлари дерамакдир, аммо бечара йил

ишлаб касбий касаллик орттириш, меҳнат лаёқатини йўқотиш эҳтимоли бор иш кимга керак? Ҳудудда очилган бир неча гигант цемент ишлаб чиқариш мажмуалари ва улар атроф-муҳитга етказяётган зарарлар ҳақида ҳам худди шундай фикрлар билдириш мумкин.

Биз инсонлар тақдирига боғлиқ ушбу муаммоларни масъуллар атрофлича ўрганиб чиқиб, юзага келган ноқулай вазиятни бардараф этиш чораларини кўрадилар, деган умиддамиз.

Тамара ТОШМАТОВА



**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ушбу мақола «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 2022 йил 26 июлдаги «Шўрсувликларнинг шўри қуримайди. Агар бу ердаги ҳолат ҳолис ўрганиб чиқилса ва тезкор чоралар кўрилса...» сарлавҳали материал асосида жузъий таҳрир қилинган ҳолда тайёрланди.



Жиззах вилояти

Вожаб!

# Бемаслаҳат пиширилган ош каби

## ёхуд ҳужжатлар ижросида нега оворагарчиликлар юзага келмоқда?

Зарбдор тумани «Ойбек» маҳалласи ҳудудида янги деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу савдо мажмуасини Президентнинг 2017 йил 27 мартдаги «2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуаларини қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан барпо этишда қатор чигалликлар юзага келди.



Биринчидан, Зарбдор тумани ҳокимининг 2019 йил 30 октябрдаги 4428-сонли қарорига асосан, деҳқон бозори фойдаланишга қабул қилинган. Бироқ ушбу қарор билан «Навоий» маҳалласи ҳудудидаги эски деҳқон бозори фаолиятини тўхтатиш ҳам белгиланган.

Иккинчидан, 2019 йилнинг 16 ноябрда туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш баёни асосида эски деҳқон бозори ҳудудида фаолият кўрсатаётган тadbиркорларни янги қурилган деҳқон бозори ҳудудига кўчириш юзасидан чора-тадбирлар белгилангани билан ижроси таъминланмаган.

Шу пайтга қадар фаолият юритган деҳқон бозоридан атиги 500 метр узоқликда жойлашган замонавий бозор қурилиши якунлангач, «Зарбдор деҳқон бозори» МЧЖ катта таваккалчилик билан банк кредити эвазига уни со-

тиб олишни рад этади. «ZAREX MARKET GROUP» МЧЖ эса эски деҳқон бозори фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарорига ишонган ҳолда, «Зарбдор деҳқон бозори» МЧЖнинг 49 фоизли таъсисчиси сифатида банкдан 16 фоизли жами 3,4 миллиард сўмлик кредит олади. Бозордаги қурилиш ишлари тўлиқ якунига етмагани учун банкдан яна 22 фоизли 1 миллиард сўм кредит олишга мажбур бўлади. Айни пайтда 180 ўринли янги деҳқон бозори ва унинг атрофидаги 45 та савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ярмидан кўпи бўм-бўш. Натижада тadbиркорнинг банкдан олган 4,4 миллиард сўмлик кредитини қайтара олмаслик хавфи тобора ортиб борапти.

Ҳолатни ўрганиш мобайнида фаолияти тўхтатилиши белгиланган бозордаги шароитлар билан ҳам танишдик. Унинг ҳудудидаги ягона бўлган пьедестал ерости йўлида савдо-сотқ ишлари қизгин. Аммо биронта тadbиркор ёки сотувчи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ёхуд тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги ҳужжатни кўрсата олмади. Эски Зарбдор деҳқон бозори атрофида расталар тикланган. Аниқланишча, бозор ўрнида «Зарбдор тайёр-

лов» МЧЖга қарашли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун энгил конструкцияли расталар ташкил этилибди.

**Хулоса эса шундай, ҳар қандай қарор чиқаришдан олдин унинг натижасини кўра билиш лозим. Мазкур ҳолатда ҳам бозорни, аввало, қаерда қуриш лозимлиги хусусида халқнинг, тadbиркорларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, бамаслаҳат иш юритилганида бу каби оворагарчиликлар бўлмас эди. Тadbиркор ҳам эндиликда катта миқдордаги кредит маблағини қандай ёпанан деб ўйга ботмаган бўларди. Зарбдор тумани ҳокимлиги, мутасаддилар «Етти ўлчаб бир кес...» деган халқ мақоли бежиз айтилмаганини унуттишган, чамаси...**

Мўқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Эълонлар ва билдирувлар

Ўзбекистан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касоба уюшмаси Пискент тумани кенгаши (Республика кенгашининг 2022 йил 6 июндаги Ижроия кўмита қарорига мувофиқ) тугатилади.

Ташкилот тугатилиши юзасидан ариза ва шикоятлар бир ой муддат ичиди қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли, 115-йўл. Тел: +99899-577-14-94

\*\*\*

Миробод тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан Берман Мира Анатолевна номига берилган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фидокор (аввалги Чехов) кўчаси, 40-уй жойда жойлашган 11-гаражнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

2006 йил 11 августда Берман Мира Анатолевна номига берилган №21-01/447 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририятнинг фаол муаллифи Хонбиби Махамовага онаси

**Анор МАХАМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовга отаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

**АБДУЛҲАКИМ БОБО**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Зиёдиллаҳон Атахўжаевага падари бузруквори

**МУЗАФФАР** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.





## Янги нашр Тарихнинг оқ ва қора кунларидан ҳикоя қилувчи тўплам

Биз дунёда демократия ва эркинлик тамойиллари кучайган бир даврда яшаёмиз. Қаердадир, кимнингдир эрки бўғилса, бир зумда овоза бўлиб, одамлар ва давлатлар, махсус ташкилотлар ёрдамга шошилади. Аммо бундан бир асп муқаддам кўп нарса бошқача бўлган. Ватанимизга эгалик советлар қўлида бўлиб, халқимиз онгсизликка ва қулликка маҳкум этилган. Ўзлигини англаган, истиқлол заруратини тушунган зиёлиларимиз эса сургун, қулоқ қилиниб ёки қамалиб, минг бир азобга дучор бўлган.

Тарихимизнинг бу таҳликали даври ҳақида катта ва ўрта авлод вакиллари зарур маълумотларга эга. Чунки айримлари шўролар замонида яшаган ва ўша мудҳиш воқеалар гувоҳи бўлишган, баъзиларини бобо-бувилари ҳикояларидан билиб олишган. Масалан, биз улар Навоий, Бобур, Машраб асарларини, «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз» романларини яширинча ўқишганини, ҳайит намозларига ҳадик ва кўрқув билан боришганини эшитганмиз.

Мустақиллик қўлга киритилган кезларда ўқувчи ёки ўсмир бўлган ўрта авлод эса радио-телевидение орқали ёки устозларидан Истиқлолга қандай эришилгани, жадидлар ҳаракатининг мақсад ва ғоялари ҳақида кўп тингашган. Бу мавзуга бағишланган илмий-бадиий адабиётлар ҳам талайгина. Аммо лотин алифбосига ўтилатган ҳозирги вақтда ёшларбоп бундай адабиётлар кам. Айниқса, лотин алифбосида жадидларга атаб ёзилган китоблар бармоқ билан санарли даражада.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан «Жадидлар» тўплами тайёрлангани ниҳоятда хайрли иш бўлди. Ихчам шаклдаги 8 та китобчада Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Исҳоқхон тўра Ибрат, Ғулом Зафарийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқийсиз. Шунингдек, машҳур ўзбек ва рус олимлари, зиёлиларнинг илмий маълумотларга асосланган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Миллатимиз қўлига ва онгига бами-соли кишан солинган бўлса-да, ҳурликнинг аҳамиятини яхши англаган зиёлилар истиқлол осонликча қўлга киритилмаслигини яхши тушунишган. Шу боис уларнинг талай асарларида «Ҳақ олинур, берилмас!» деган чорлов тез-тез кўзга ташланади. Мунаввар қори Абдурашидхон эса маслакдошлари билан бирга «Иттиҳоди тараққий» ва «Иттиҳоди миллий» ташкилотларини тузиб Умумтуркистон бирлиги ва мустақиллиги учун курашади. 1924-25 йилларда Ўрта Осиёда миллий-худудий давлат чегараланиши ўтказилган, ушбу ташкилотлар ўрнида «Миллий истиқлол» ташкилотини тузиш орқали яширинча ва махфий тарзда мустақил Ўзбекистонни қуриш учун кураш бошланади. Янги ташкилот барча ҳудудларда бўлинмаларга эга бўлгани, улар ўз олдларига аниқ режа-мақсадлар қўйгани ва кўпчилигини амалга оширган эса зиёлиларимиз бу даврда яхшигина билрша олганидан, халқимизнинг иродаси кучли бўлганидан далолат беради.

Мунаввар қори чоризм амалдорлари билан дипломатик муносабат ўрнатиб орқали уларнинг режаларидан ҳам яхшигина хабардор бўлиб борган. Шунингдек, рус амалдорларидан халқ учун зарур ёрдам сўраган, айниқса, таълим ва ишчилар масаласида миллат номидан тақлифлар айта олган. Улардан айримларининг ижросига эришган ҳам. Хусусан, 1917 йили Тошкент шаҳар думасига аъзо бўлган, дастлабки мажлисдаёқ бошқа жадид депутатлар қатори Тошкентда университет очиш тақлифини киритган. Унинг ўқув дастурини ишлаб чиқишда мусулмонлар манфаати ҳисобга олиниши, хусусан, тарих ва шарқшунослик факультетлари уларга мослаштирилиши лозимлигини таъкидлаган.

У 1909 йилда ташкил этган «Кўмак» хайрия жамияти орқали мурувватли бойларнинг моддий ёрдами асосида миллат фарзандларини ривожланган мамлакатларга ўқишга юбориш борасида ҳам жонбозлик кўрсатган. Чунончи, жадидларнинг 1916 йилги йўналишларидан бирида зиёли ёшларнинг маълум қисмини Германияга ўқишга юбориш масаласини

ўртага ташлайди ва шаҳарнинг машҳур бойлари иштирокида шайхонтоҳурлик Каттаҳўжа Хўжаевнинг уйда навбатдаги йиғинини ўтказди. Унда Мунаввар қори иштирокчиларга қолоқликдан бизни фақат илм кўтқарган, фарзандларимизни хорижийнинг нуфузли мамлакатларида ўқитаскинга, ҳоли-

улкан орзуларидан бири амалга ошди. Китобларнинг барчасида тарихимизнинг гоҳ аянчли-қайғули, гоҳ фахр-ифтихорли онларига рўбарў келасиз. Уларни ўқиб, ўйлайсиз ва мушоҳада юртасиз. Мен шу ўринда тўплам қаҳрамонларидан бири – кўпчилигимиз ижоди ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳаминқадар маълумотга эга бобоимиз Ғулом Зафарий тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ғулом Зафарий театр ривожига катта ҳисса қўшган фидойи драматург, шоир ва ёзувчи ҳисобланган. Муסיқа илмида беназир, ўзбек ва шарқ муסיқасининг билимдони эканлиги драмалари муваффақиятли чиқишига сабаб бўлган. Ўз даврида уни рус муסיқашунос олими В.Успенский «Муסיқа ҳақида кўп нарсаларни билади» дея таърифлаган. Театршунос В.Пестовский эса «Ўзбек театри тарихи» мақоласида уни «композитор Ғулом Зафарий» деб тилга олган ва истеъдодини юқори баҳолаган.

1915-16 йилларда рус, татар ва озарбайжон театршунослари таъсирида Тошкентга ҳам театр кириб келади. Беҳбудий ва Чўлпон асарлари асосидаги спектакллар орасида Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмаси энг кўп кўйилган ва томошабинларни қизиқтирган саҳна чиқишларидан бири бўлади. Шунингдек, «Ҳалима» илк ўзбек муסיқали драма спектакли сифатида тарих саҳифаларига муҳрланади.

«Жадидлар» тўпламига киритилган китобларнинг барчаси ҳақида илиқ фикрлар билдириш мумкин. Уларда тилга олинган ҳар бир жадидчи аждодимизнинг ҳаёт йўли, ижоди ва кечмишлари бугунги қайсидир тараққиёт заنجирининг ибтидосига бориб тақалади. Истиқлол, мактаб, олий таълим, ёшларни хорижга ўқишга юбориш, матбуотнинг шаклланиши, театрнинг кириб келиши, драматургия... Қолаверса, булар менинг ва бизнинг барчамизнинг тарихимиз. Уларни қанчалик кўп ўқисак, бизсак ҳамда зарур-ётларимизга ўргатсак, ўзлигимизни шунчалик тараққий қилаемиз.

Тақлифларга келсак, «Жадидлар» тўпламини ҳудудларга ҳам етказиш, улар юртимиздаги 10 мингдан зиёд мактабнинг ҳар бирига кириб боришини таъминлаш зарур. Зеро, лотин алифбосида чоп этилганнинг ўзиёқ ушбу тўпламнинг асл ўқувчилари кимлигини кўрсатиб турибди. Демак, у фарзандларимиз томонидан қўлма-қўл бўлиб ўқилиши, шу тариқа уларнинг жадидлар ҳаётидан хабардорлиги янада ошиши, қалбларида истиқлолни қадрлаш туйғуси тагинда жўш уриши керак. Аслида тўпламни чиқаришдан кўзланган мақсад ҳам шундай бўлгани шубҳасиз. Шу боис биз бу китобларни тайёрлашда қатнашган муаллифлар, муҳаррирлар ва ташкилотчиларнинг барчасини муваффақиятли лойиҳа билан табриклаймиз!

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



Инсон яралибдики, мудом гўзалликка интилади. Аммо, гўзаллик шунчалар кенг тушунчаки, осонликча ўрганиб ва охирига етиб бўлмайди. Унинг мезонлари даврга, ёшга, миллатга ва бошқа жиҳатларга қараб ҳар хил бўлади.



## Қандоқини гўзалликка тўлдиринг!

Масалан, Африка халқлари учун гўзал ҳисобланган нарса биз учун унчалик гўзал бўлмаслиги мумкин ёки аксинча. Бундан ташқари, ўсмир билан катта ёшли одамнинг ёки турли хил касб эгаларининг ҳам бу борадаги тасаввурлари ҳар хил бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Қандайдигидан қатъи назар, ҳар ким ўзича чиройлидир ҳамда ўз гўзаллигининг ижодкори ва яратувчисидир. У ибратли хулқи, мулойимлиги, инсонпарварлиги, самимийлиги, очик кўнгиллиги, виждонлиги ва бошқа фазилатлари билан Аллоҳ томонидан ўзига берилган ташқи гўзаллигини янада бойитади.

Кимнинг қалбида ёзувлик, адоват, маънавий қашшоқлик, очкўзлик, бекфарқлик, мақтанчоқлик, иккиозламачилик бўлса, уни гўзал дейиш амримаҳол. Бу янглиғ иллатлар энг чиройли юзни ҳам хунуклаштиради. Камтар, аъло даражада гўзал бўлмаган, лекин соф ва самимий қалб эгаси эса, шубҳасиз, гўзалдир. Яхши хулқли инсон ижобий фазилатлари ва фойдали ишлари орқали ҳар қандай чехрани гўзал қилишга қодирдир. Зеро, файласуф Цицерон айтганидек, «Чехра қалб кўзгусидир».

Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи керак. Яъни, тана билан қалб, ўйлаб қилинадиган ишлар ва интилишлар билан ҳаёт тарзи ўртасида доимий муносиблик бўлиши лозим. Шундангина инсон том маънода гўзал ҳисобланади. Қалб гўзаллигига эришмоқ учун эса, аввало, уни эзгу ниятлар билан тўлдирмоқ керак. Зеро, яхши ният бир уруғдирки, у униб чиқиб, қандай мева бермоғи барчамизга яхши аён.

Кўпчилик кўриниши чиройли киши билан муомала қилишни истаيدди. Лекин уша одам маънави қашшоқ бўлса, гўзаллик ўрнида бекфарқ бўлиш пайдо бўлади. Аслида инсонни улуглаб, шарафлайдиган нарса маънавий гўзалликдир. У одамнинг жисмоний чиройига хусн қўшади, ҳатто ташқи қиёфасидаги баъзи нуқсонларни ювиб юборади. Айрим шахсларда учрайдиган маънавий тубанлик, нодонлик, калтафаҳмлик, шарм-ҳаёсизлик эса тананинг ташқи гўзаллигига путур етказиши, ён-атрофдагилар нафрати ва ғазабини кўзгатади. Шарму ҳаё – аёл ҳусни. Аёл нечоғлиқ хушсурат ва мафтункор бўлмасин, шарму ҳаёси бўлмаса, ўзгалар кўзига хунук кўринади.

1771-1815 йилларда яшаб ўтган немис ёзувчиси Маттиас Клаудиус гўзаллик ва ифбат ҳақида фикр юритаётиб, «Тана гўзаллиги нима?» деган саволга қуйидагича жавоб берган: – У, биринчидан, бамисоли чакмоқ чаққандай бир нарса. Чақмоқ қанчалик тез сўнса, у ҳам шунчалик тез сўнади. Унда фазилат бўлмайди. Гўзаллигини қизларнинг ўзлари ижод этмаганидек, уни олиб ҳам қўлишолмайди. Иккинчидан, унинг уй ишларига фойдаси йўқ. Негаки, чехра гўзал бўлгани билан пиширилаётган овқат лаззатли бўлиб қолмайди. Кўз шахло бўлган билан бола тарбияси яхшиланмайди, кийими ювилмайди. Эр-хотин ўртасида вужудга келган муносабат яхшиланмайди. Қолаверса, гўзаллик покиза муҳаббатни яратмайди.

Кўриб турганингиздек, ташқи гўзаллик узоққа бормайдиган, рўзгорда фойдаси теғмайдиган ва соф севгига алоқаси бўлмаган

бир нарсасидир. Киши ташқи кўринишдан гўзал, лекин маънан қашшоқ бўлса, биз уни хулқий жиҳатдан хунук деб қабул қиларимиз. Ёки аксинча, ташқи кўриниши кўрimsизроқ, аммо ўзи мард, одоб-ахлоқли, қалби гўзал ва меҳр-муҳаббатга тўла кишиларнинг хунуқлигини бутунлай унутиб, гўзал инсон сифатида кўраимиз.

Энг ачинарлиси, ташқи гўзаллик жуда беқарордир. Аввало, организмнинг қарши жараёни ўз ишини қилади. Иккинчидан, тана гўзаллиги қалб гўзаллигига уйғун бўлмаса, кишини кўрқувга соладиган даражада даҳшатли ўзгаришларга учрайди.

Бизнинг халқимиз азал-азалдан гўзаллик шайдоси, ҳозир ҳам ҳаммаша унга интилиб яшайди. Табиат, ҳаёт, бутун борлиқ гўзал бўлиши йўлида тиним билмайди. Меҳнат эса бутун борлиқни ҳам, инсонни ҳам гўзаллаштиради. Одамзод турфа гуллар чиройидан, уларнинг хушбўй хидларидан, сўлим боғлардаги булбул навосидан, созанданинг сози-у, хонанданинг сеҳрли овозидан баҳра олади. Ҳаёт ва табиат гўзаллиги унинг руҳиятининг но-зик торларига таъсир қилиб, ўзига хос ва ички кечинмаларга бой янги бир ижодий гўзаллиқни кашф этади.

Ёши улуг, аммо ҳануз чиройини йўқотмаган бир аёлдан бундай натижага эришиш учун нима-лардан фойдаланиш зарурлигини сўрашибди. У шундай деб жавоб берибди: – Лаблар жилоси учун – ҳақикат, овоз майинлиги учун – дуо, кўзлар чиройи учун – ҳаё ва марҳамат, қўллар гўзаллиги учун – саховат, вужуд бирдамлиги учун – ҳалоллик, қалб нурафшонлиги учун – муҳаббат ва шафқатдан фойдаланаман. Муҳими, бу пардоз воситаларини пулга сотиб олишга эҳтиёж йўқ. Фақат битта шарт – улар билан ижобий натижага тезроқ эришиш учун ҳар қўлгадан миқдорини оз-оздан ошириб бориш керак!

Баъзи кишилар «гўзаллик» ва «чиройлилик»ни бир хил тушунча деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, улар орасида муайян тафовутлар бор. Чиройлилик нарсаларнинг ташқи кўриниши ва ҳолатини, бирор ҳаракатдаги ўзaro уйғунлиқни билдиради. Чинакам гўзаллик эса инсоннинг ахлоқий ва маънавий етуқлиги билан белгиланади. Гўзаллиқни қалби ва фикри гўзал инсонларгина ярата олишади.

Бинобарин, гўзаллик инсонга эстетик ва ахлоқий завъ берувчи фазилатлар жамламасидир. Ҳақикий гўзалликка эришиш, уни том маънода идрок этиш учун инсон муайян комиллик соҳиб бўлмоғи лозим. Инсонни гўзаллик сари етаклайдиган йўл ён-гил-елпи туйғулар орқали ўтмайди, у бағоят мураккаб бўлиб, сабр-матонат талаб қилади.

Инсон – барча хилқат ичида энг юксаги, энг қудратлиси, энг идроклиси ва гўзаллик яратувчиси. Гўзаллиқни яратиш ва идрок этиш эса соф виждон, олиш-жонблик, очик кўнгиллик, хушмуомалалик, илмлилик ва юксак эстетик дид билан боғлиқдир. Зеро, инсоннинг қўли билан яратилган гўзаллик уни доимо қалб гўзаллигига чорлаб туради. Модомики, шундай экан, сиз ҳам гўзалликка ошно тутининг ва қалбингизни у билан тўлдиринг!

Элбек БОЛТАЕВ,  
шифокор-невропатолог



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир ҳайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Меҳридулло ШУКУРОВ  
(Маъсул қотиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Маъсул қотиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хўқув ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сийдара вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-21  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтасидан фарқланishi мумкин.

Маъсул муҳаррир:

А. Ҳайдаров

Навбатчи муҳаррир:

У. Худойберганова

Сабаққаловчи:

Ҳ. Абдухалилов

Босишга топшириш вақти – 00:30  
Топширилди – 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табақ.  
Буюртма Г-806  
31641 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзиллими:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-й.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Буюк Тўрон кўчаси, 41-й.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130